

Проф. Маннонов А.

## АФҒОН АДАБИЁТИДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИ

Афғонистон<sup>1</sup> кўпмиллатли мамлакат. Ҳозирда бу мамлакат ҳудудида 30 дан зиёд катта ва кичик халқлар ва элатлар, этник гуруҳлар, жумладан, паштунлар (афғонлар), дарийзабонлар, ўзбеклар, хазоралар, тожиклар, чораймоқлар, туркманлар, нуристонликлар, балужлар, ҳиндлар ва бошқалар истиқомат қиладилар. Бу халқ ва элатларнинг шаклланган муштарак маданияти, тарихи, диний қарашлари, урф-одатлари билан бирга ҳар бирининг ўзига хос қисмати, турмуш тарзи, урфи, фольклорлари мавжуд.

Мамлакатнинг аксарият аҳолиси пашту, дарий (форсий-кобулий) ва ўзбек тилларида сўзлашадилар.

Ушбу мақолада Афғонистон давлат тилларидан бири бўлган пашту, яъни, афғон тилида яратилган халқ оғзаки ижодиётининг назмий турлари сирасига кирадиган икки мисралик ландэйларда аёл образи, унинг тақдири, аянчли қисмати, ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бир қатор мавзулар ҳақида сўз юритилади.

Ландэй афғон (паштун) халқи оғзаки лирик шеърятининг ўзига хос ва энг оммабоп тури, маиший кўшиқларнинг энг типик намунаси ҳисобланади. Бу шеър тури халқ орасида шунчалик кенг тарқалганки, паштунларнинг оғзаки ижодини ландэйсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу икки мисралик қофиясиз шеър ҳажман ниҳоятда қисқа бўлишига қарамай, муайян фикр ва кечинмани ёрқин, ажойиб бадий чизгиларда ифодалаб бера олиши билан машхур. Ландэйларнинг мазмун доираси ниҳоятда кенг бўлиб, уларни яратишда юзлаб, минглаб кишилар: йигит-қизлар, оддий саводсиз чорвадор, кўчманчилардан тортиб, машхур шоирларгача иштирок этадилар ва бу жанр орқали ўз туйғу-кечинмалари, ўй-фикрлари, дарду ташвишлари, орзу-умидлари, бахту шодликларини ифодаладилар. Бу жанрда ошиқ-маъшукларнинг изтиробу қувончлари, беғубор ёшлик сурурию, чуқур ижтимоий мазмундаги жанговарлик туйғулари, ватандан жудолик ҳасратлари, ватан муҳаббати, эл-юрт ҳимояси, ижтимоий тенгсизлик, мардлик ва номардлик, ишонч ва алдов, қарилик андуҳлари, фалсафий дидактика ва бошқа мотивлар чиройли, қуйма образлар, қочиримлар, ҳазил ва киноялар, ҳажвлар воситасида ўз тажассумини топади.

<sup>1</sup> Шуни таъкидлаш керакки, “Афғонистон” атамаси, дастлаб, XIII-XIV асрларга оид манбаларда учрайди. Бирок бу атама у даврларда ҳозирги географик ҳудудга эга бўлган Афғонистон мамлакати маъносида эмас, балки шу кундаги Афғонистон ва Покистон ўрталаридаги муштарак чегаранинг икки томонида жойлашган Сулаймон тоғлари ва улардан то Ҳинд дарёсигача уланиб кетган ҳудудларда яшовчи “афғонлар (паштунлар) ўлкаси” маъносида ишлатилган.

**Ландэй** атамаси пашту (паштў, пахтў) тилидаги "لاند" (“ланд”) – “қисқа, лўнда” маъноларини англатувчи сўздан ясалган бўлиб, таржимада “қисқагина, кичик шеър” маъносини беради.

Ландэй бор йўғи икки мисрадан ташкил топган, биринчи мисраси 9, иккинчи мисраси 13 бўғин этиб қатъий белгиланган строфик яхлитликка эга оқ шеърдир.

Халқ ландэйлари аноним асар бўлиб, ўз шеърий тузилиши, композицияси ихчам, бор йўғи қофияланмаган икки мисрадан иборат бўлиши билан бирга, кенг мавзу қамрови, рўй бераётган воқеаларга, ҳаёт тарзига маносабатини бетакрорлик билан ифодалашини сақлаб қолган. Омманинг коллектив ижод намунаси бўлган ландэй аксарият ҳолларда ҳеч бир тайёргарчиликсиз инсон қалбининг тубидан юлиниб чиқиши, омма орасида пайдо бўлиб, омма орасига сингиб кетиши, омма орасида ниҳоятда тез тарқалиши, тезкорлик билан узоқ туманларга етиб бориши ва қисқа вақтда умумпаштун миллий қадриятига айланиши билан характерли ва у паштун фольклорининг авж нуқтаси бўлиб, бу фольклорнинг ҳеч бир бошқа жанри оддий халқ учун ландэйчалик тушунарли ва ниҳоятда кенг истеъмолда эмасдир.

Шу билан бирга, аёллар дилидан чиққан кўпгина ландэйларда паштунлар жамиятида қадимий қабилавий жамиятда шаклланиб қолган ва ҳамон ҳукм суриб келаётган эркакларнинг аёлларга нисбатан қаттиққўллиги, уларга тобе бўлиш фалсафаси, зулм ва ҳақсизлик, жуфт танлашдаги тенгсизлик ҳукмрон бўлган муҳит таъсирида ҳаёт кечираётганликлари кўриниб туради. Олимларнинг таъкидлашича ўнмингларча айтилган ва ёзиб олинган ландэйларнинг энг кўп қисми айнан аёллар томонидан яратилган. Дарҳақиқат, ландэйнинг шеърий шакли, асрий анъаналари уларга – аёлларга ўз эҳтиросларини у ёки бу шаклда, бадиий кўринишда изҳор қилишга йўл очиб бериш имкониятини беради ва минглаб ажойиб, эҳтиросли ландэй намуналари ҳижрон онлари, ишқ изтироблари, висол севинчлари, жудолик афсуслари маъшуқа аёллар қалбидан, тилидан яратилади:

*Тоглардек бўлди гамларим ҳам,  
Чўкиб ҳижрон гамларига қолдим юк остида.*

*Қайтар бўлсанг гар вақт ўтди,  
Қора зулфларимда оқ гуллар гулламиш.*

*Юраккинам, сабр қил, йиғлама!  
Ёрим узоқ сафарга кетган, қайтишидан дарак йўқ!*

*Мени қучогингга бос маҳкам,*

*Етар чўмилганим жудоликнинг совуқ сувида.*

Аёллар ландэйларида ошиқни ўзига ром этувчи қора майин сочлар, кўз, қош, лаб, бел, ноз-карашмалар шоирона, латиф ва чиройли бир қолипларда тасвирланиб, аёл ҳиссиёти содда тилда, аммо ёрқин намоён бўлади:

*Олганигда лабларимдан бўса,  
Хумор кўзларимла сенга боқай.*

*Гар тақсам зулфимга сариқ гул,  
Дилдорим, бўлгайсан девона булбул.*

*Дилдорим эгардан мен томонга эгилди,  
Севгилимга бўса ҳадя қилдим, кўтарилиб оёқларим учиди.*

Аёлларнинг имконияти чекланган ёпиқ афғон муҳитида ошиқона ноз-карашмалари, ўтли нигоҳлари, хумор кўзлари, бебош ёшлиги, ўзининг шайдолиги ва аёллик жозибасини ёпиқ ва очиқ шаклда қўллаб, мақтай олиши, том маънодаги инсоний ҳиссиётларни баъзан очиқ-ошқора изҳорланиши ҳайратга солади, албатта.

Аёллар ландэйларининг талайгина қисми шижоатли ошиқ, ватан ҳимоясига отланган ботир жангчи эркак, унинг қаҳрамонлиги ёки билъакс, эркакнинг душманга таслим бўлиши, номардлиги, зикналиги, ватани учун жон фидо қилмаслиги каби мавзулар билан боғлиқ.

Паштун аёлининг фикрича, шижоат, ғайрат, душманга нисбатан нафрат, матонатли қаршилик кўрсатиш, қийинчиликларга бардош бериш, заифлар ва аёлларни, ватан тупроғини, ҳудудини, қабиласи, халқини ҳимоя қилиш эркаклардаги ҳақиқий ошиқларга, умуман, афғон эркакларига хос комиллик сифатларидир.

Тарихдан ҳам маълумки, ватан ҳимояси, юрт озодлиги билан боғлиқ масалалар ҳақида гап кетганда, афғон аёлларининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланиб келинади. Аёлларнинг ҳам ватан ҳимояси олдидаги бурчлари паштунларнинг “паштунвалай” деб номланадиган, асрлар давомида риоя этиб келинаётган ўзига хос ор-номус, шон-шараф, урф-одатлар билан боғлиқ ички тартиб-қонунлари (кодекслари)да белгилаб қўйилган ва бунга ҳозирда ҳам амал қилинади.

Паштунлар жамияти, қабила ва оилаларининг ривожланиш ва такомиллашиш жараёнида ҳам ўзаро, ҳам қўшнилари ва хорижий босқинчи бегоналар билан тўқнашув, келишмовчилик ва жангу жадаллар бўлиб турган.

Уларнинг тарихи ҳам шу каби бошқа жамоалар сингари чалкашликлар ва қонли воқеаларга эга. Аскарлар, қурол-аслаҳа ва отлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қаҳрамонлар яхши жанг қиладиган, салобатли ва ўзларидан ҳам кеча оладиган бўлганлар ва шу каби хислатлар ушбу ландэйларда мақталади. Аёллар ландэйида мазкур анъаналарнинг давом этиши эркакларнинг жасурлиги ва жанговарлиги каби сифатлари мақтовидан бошланиб ўзига хос эпик пафос даражасида ҳам янграганлигини кўрамиз:

*Қонли шамширингни келтир,  
Гулгун лабларим билан уни тозалай.*

*Шамшир заҳмларила кел менинг олдимга,  
Заҳмларинг битгунича ёғдирай бўса сенга.*

*Шамширингни ялангочлаб ташла олдинга қадам,  
Мен эса кулайин фахр этиб рақибларим устидан.*

*Сени қучогимга олиб қурбон бўламан,  
Агар жанг майдонида ҳужумга ўтсанг.*

*Тенгдошларинг ўртасидан гар қозонсанг галаба,  
Худога қасамки, ёрлик қўлин берурман сенга.*

*Агар туллик мерос бўлиб қолса ҳам,  
Қайтармасман севгилимни Ватан жангидан.*

Урушда ватанни ва мустақилликни ҳимоя қилиш ҳақидаги ландэйлар қизлар ва аёллар томонидан жуда кўп айтилган ва шу мавзу ҳақида гап кетганда, олимлар 1880 йилда афғонлар ва инглизлар ўртасидаги Майванд майдонидаги жангда куйлаб, уни баланд овоз билан ҳолдан тойган ва чалажон жангчиларга ўқиб берган Малолай исмли қизни эслашади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Малолай томонидан байроқнинг кўтарилиши ва баланд овозда куйидаги ландэйнинг куйланиши жангда афғон йигитларининг ғолиб бўлишларида катта аҳамиятга эга бўлган:

*Агар Майвандда шаҳид бўлмасанг,  
Азиз ёрим, сени шармандаликдан ҳимоя қила олмасман.*

Паштун аёли ландэйларда ўз идеалидаги эркакларга хос олий сифатлар эгаси бўлган ёрни хоҳлайди. Куйидаги ва бошқа юзлаб ҳаётий ландэйларда

шундай жасур аёлларнинг эркакларга талаблари ва хоҳиш-истакларини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади:

*Шамширлар жангидан қочма,  
Ёшлар қонли шамширлар ила жанг қилиб, қизларга эришадилар.*

*Ўзингни сардобада яширма,  
Жасур йигитлар гўристонга емиш бўлганлар.*

*Совчиликка бор ва унга айт,  
Агар душманлардан озод бўлсанг, сенга хамроҳ бўламан  
(сен билан қочаман).*

*Эртага мени сенинг ишқингда айблашади,  
Ҳақиқат пайти келди, [мард бўлиб] инкор этмайсан.*

Биз таъкидламоқчи бўлган кейинги тоифа ландэйлар аксарият афғон аёлларининг тенгсизлик жамиятидаги чуқур изтиробли ночорлик туйғулари, ниadolари, ғам-андуҳлари билан боғлиқдир.

Бу ландэйлар аёллар шахсияти ва ижтимоий ҳаётининг барча нуқсонлари: орномуснинг топталиши, эркаклар томонидан хўрланиши, жуфти-ҳалолани танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши, золим отанинг ҳукми ўз қизига қарши келиб, майиб-мажруҳ, аммо сармоядор мулкдорларга сотиши каби одатлар гирдобида мазлумага айланиши, азобланиши, туғёну нола чекишлари билан боғлиқ мавзулардадир:

همخولو غم راسره يوكرى  
پلارمى ظالم شو په بودا مى خرخوينه

*(Эй дугоналар, гамимга бўлинг шерик,  
Золим отам қари чолга сотмоқда мени).*

په نيمه شپه سوى نارى شوى  
مور له لورانو بيلوى كوكى و هينه

*(Тун ярим нолаи зор эшитилди,  
Жудо қилмоқдалар қизини онаизордан).*

صورت مى خپل واک يي د بل دى  
صورتہ خاورى شى چى توردى واک کوينه

*(Таним меники, аммо ихтиёрим бошқада,  
[Бечора] таним [жонсиз] тупроққа айланар,  
гар олсалар ихтиёрим бегоналар).*

خوانانو ننگ راباندي و كړئ  
پلارمى ظالم دى ما بنامار لره لير و ينه

*(Йигитлар, қилинг [ҳимоя мени] кўрсатиб шижоат,  
Золим отам узатмоқда мени аждарга).*

خوله مى سپين ږيرى سړى يووره  
تمامى عمر له خولي نارى غورخومه

*(Қария бир чол эга бўлди [гулдек] дудоқларимга,  
Бир умр сўлак тупуриб ўтгум энди лабларимдан).*

خاونده پلارمى ليونى كړي  
د اشنا غيږ پسى رنده شبكوره شومه

*(Худоё, девонага айлантир [золим] отамни,  
Севгилим фирогиди кўр бўлаёздим).*

Аёллар ландэйларида яна бир муҳим, кенг тарқалган мавзу кузатилади. Бу ландэйларда мардонаворлик ва кадр-қимматини йўқотган эркақлар устидан аёлларнинг ҳам истехзоли, ҳам аччиқ дарди ордидан келиб чиққан исёни ҳақидаги ландэйлардир. Ушбу мавзу билан боғлиқ аёлларнинг ғам-андуҳлари тўла, оғир, ҳуқуқсиз шахсий ҳаёти шу даражага етадики, чорасиз аёллар ҳатто турмуш ўртоғини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқи ва имкониятидан буткул маҳрум бўлганлар.

Юқорида зикр этилган “Ландэйлар – паштунлар дунёқарашининг тимсоли” номли мақола муаллифи ҳақли равишда бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “Аёлнинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти барча ҳолатларда (болаликда отасининг, ёшликда эрининг ва беваликда ўғли (эрининг вориси) назорати остида бўлади... Удумга асосан аёл жинояткордек қатл этилиши ёки номуси топталиши каби ишлар унинг хўжалари (эри ёки вориси)нинг назорати остида бўлиб, у аёлни улар моддий манфаат ва обрўлари учун тавон сифатида пул ва мол-мулк ўрнига бошқа одамларга берадилар. Бу каби аёлларни қабул қилувчилар гоҳида қари кишилар, вояга етмаган болалар, маҳаллий девоналар, гоҳида эса мусофирлар ва майиб-мажруҳлар бўлган. Оддий унаштирувда ҳам

эркакнинг мавқеи юқори бўлган. Ёшга, дидга, кўриниш, ижтимоий мавқега нисбатан ва бошқа масалаларда ҳам эркак ва аёл ўртасидаги тафовут (доимо) эркаклар фойдасига ҳал қилинган”<sup>2</sup>.

Жуфти ҳалолини, бўлғуси куёвни, севгилисини танлашдек ҳуқуқдан маҳрум бўлган паштун аёлларининг андуҳлари куйланган ландэйлар бу шеър тури орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Шу билан бирга бу мавзу доирасига кирадиган ландэйлар орасида нафақат аёлнинг хўрлик андуҳи, шикоят, ноласи, зорланиши, балки унинг ушбу ижтимоий ҳолатга қарши қарашларини акс эттирувчи ландэйлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифа ландэйларда урф-одатга кўра унаштирилган куёв, эр – эркакни турли хил рамзий сўзлар, ишоралар воситасида ўша ситамкор, мустабид, золим, ношуд, майиб-мажруҳ жоҳилона хатти-ҳаракатлар, ҳайвоний ҳис-туйғулар соҳиби бўлган эркакларга нисбатан ўз муносабатларини ҳам изҳор қиладилар. Таниқли афғон шоири, йирик олим Сулаймон Лойиқ “بنتولندی” (“Пашту ландэйлари”) номли тўпламига ёзган кириш мақоласи<sup>3</sup>да таъкидлашича, бу тоифа ландэйларда ҳасис, номард, шарм-ҳаёсиз, кўрқоқ, бекбурд, бекорчи, ландовур, виждонсиз, инсофсиз, шайтонсифат, ғийбатчи, қабих, ғайратсиз эркак-эрларга нисбатан موزى (музай), موزگى (музагай) каби юзлаб аёллар ландэйларида ишлатадиган ва ландэйни эшитувчи ёки ўқувчилар бу сўзларнинг ҳаммага қаратилганлиги ва нима маънода ишлатилаётганлигини дарҳол билганлар. Хаёллари, кўз олдиларида юқоридаги лаънатомуз сифатларга эга эр ва эркаклар, яъни музайлар ҳақида тасаввур ҳосил бўлган.

Аёллар томонидан айтилган қуйидаги ландэйларнинг намуналарида “музай” ёки “музагай” сўзлари орқали аёлларнинг эътирозли ҳис-туйғулари, нафрат ва ҳасратларини кузатамиз:

موزى په مينه څه پوهيرى  
په نس يې مور کړترسبا کوى خوبونه

(Англамас ишқнинг не эканин музай,  
Қорнини тўйдирсанг, кўрарсан тонггача ухлаганин).

صورت مى ټول د زهرو ډک دى  
زه منگرى موزى پر زړه خوړلى يمه

(Заҳар ила тўлган бутун вужудим менинг,  
Илон-музай юрагимни егани учун).

<sup>2</sup> Қаранг: لندى ها الكوى جهابيينى پښتون، ۱۶۱-ص.

<sup>3</sup> Қаранг: پښتو لنډى، د افغانستان د علومو اکاډيمى، پښتو ټولنه، کابل، ۱۳۶۴ هـ کال، نه د يرشم مخ.

پاس په سنگر ټگونه وشو  
میرونه مری موزیان به روغ کورته راځینه

*(Жангда кўп отишмалар бўлди,  
Ҳалок бўлдилар мардлар, музайлар қайтдилар соғ-саломат уйларига).*

گل می دیاره سره بنایی  
مناسب نه دی چی موزی یی بویوینه

*(Мен гулимни маҳбубимга йўллайман,  
Уни ҳидлашга муносиб эмас [эрим] музай).*

خدایه موزیا نو کی مرگ گد گری  
چی د غیرت لیونی نجونه خلاصی شینه

*(Музайлар орасида тарқат ўлимни, эй худойим,  
Токи гайратга тўлган қизлар озод бўлсинлар).*

سترگی خوتا راگری خدایه  
ظالم موزی می له کتو منع کوینه

*(Кўзни сен бердинг худойим,  
Ситамкор музай [эса] менга кўришни таъқиқлаб қўйди).*

اسمانه پریوزی بخته واورى  
زرگیه وچ شی ما موزی له ودوینه

*(Эй фалак, қудратингла қайтар бахтимни,  
Узатмоқдалар [ахир] мени музайга, ўликка айланур қалбим).*

Бу мавзуга оид мисолларни кўплаб давом эттириш мумкин. Аммо шуниси аниқки, афғонларнинг бошқа фольклор асарлари қатори ландэйларда ҳам аёлнинг қисмати ҳали ҳамон долзарб мавзу ҳисобланади. Чунки ҳозиргача беваларнинг эрлари ўлиmidан сўнг оила мулкининг бир қисми сифатида бошқага мол-мулк каби мерос бўлиб ўтиши, оила бошлиғи бевани шариатни ўртага қўйиб бошқа оилага мол-мулк эвазига сотилиши, беванинг мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши, умуман, бу масалаларда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқи мутлақо чекланганлиги ҳолати ҳамон давом этаётганлиги ҳам бор гап. Шунинг

учун ҳам инсонийликка зид бўлган бундай ҳолатлар ҳам аёлларнинг ҳасрат, надомат тўла ландэйларида баён этилган:

ما وي چي مرگ به مي پرده شي  
اوس مي په ژوند گورته چونجي مي خورنيه

*(Ўйлардимки, ўлим бўлар менинг ҳалоскорим,  
Энди тириклайин гўрга тиқишяпти (сотишяпти) мени,  
баданимни кемирмоқда қуртлар)*

خرخه دي كرم بناده نه دي كرم  
شيرينه وروره دي مه وزه ارمانونه

*(Мени сотдинг, қувончимни йўқ қилдинг,  
Эй қадрли акажоним, ушалмасин армонларинг сенинг)*

Ушбу аёл ландэйлари орасида қуйидаги ажиб мисралар ҳам диққатни тортади:

زه دي زاړه غوايي ته ور كړم  
كور دي ويران شه خپله پلاره لوردي و مه

*(Ўзатдинг мени қари сизирга,  
Ўйинг куйсин сени, отам, қизинг эдимку ахир)*

Юқорида зикр қилинганидек, аёл ландэйларида озодлик, ватан ҳимояси учун фидойилик кўрсатиш, жасурликни улуғлаш каби туйғуларини ҳам кенг ифодалаган кўплаб намуналарни учратамиз. Ушбу тоифадаги ландэйларнинг ҳар бирида жангга доим тайёр турган ва йўқотишларга қарамай ғалабага тўла ишончи бўлган паштунларнинг жонли тарихи сўзлаётгандек бўлади:

سبا به جنگ په سپين ميدان وي  
خوانان به ويني تويوي جنگ به گتینه

*(Эрта тонгдан жанг бўлар майдонда,  
Азамат ёшлар қон тўкар, аммо ғалаба аниқ).*

Бу мисралардаги оддий ва айни пайтда ёрқин сифатлашлар паштун халқи бадий тафаккурининг тан олинган фазилатидир. Бу шеър мазмуни ана шу

ҳақиқатни тасдиқлаш учун яратилгандек. Қизнинг бу ландэйида аслида бор-йўғи бир-иккита илғаб бўлмас чизгилар, аммо қуйидаги мисралар каби таъсирчан манзара яратилган:

سبا ته بيا د جنگ و عده ده

خوانان خنگلي لگوى جنگ له ورئينه

*(Эртага яна жанг ваъда қилинган,  
Азаматлар чодирдан отилиб чиқиб, жангга кирарлар)*

Қурбонсиз жанг бўлмайди. Аммо шахид кетганлар жисмини душман қўлида таҳқирланишига йўл қўйиб бўлмайди. Жангга севгилисидан жудо бўлган, аммо бундан беҳабар дугонасига паштун қиз ландэй бағишлайди:

ورشه ديار خبر دي واخله

په غرمو پروت دی له خولي ويني غورزوينه

*(Бор, ёрингдан хабар ол,  
Ётар оғзидан қон оқиб кун қизигида).*

Талофот қайғуси қанчалар аччиқ бўлмасин, у озодлик истагининг порлоқ ҳисларини англаб етишини тўсиб қўя олмайди. Кўпгина аёлларнинг жанговар ландэйларида озодлик учун кураш, унда жон фидо қилишни улуғлаш орқали куйланади:

د پښتانو زلميانو وار دی

په خپل وطن به توريالی خان جاروينه

*(Навбат паштунларнинг ўсмирларига келди,  
Улар мардларча қурбон қиларлар ўзларини Ватан учун).*

Ватан ишқи паштун халқи тасавурида, кўпинча, ўз қалбининг танлаганига – севгилисига тенглаштирилади:

د آزادی معشوقه وايی

د غلامی یار ته خولگی نه ورکومه

*(Озодлик маъшуқаси айтар:  
“Бермасман лабларимни агар бўлса ёрим қул-асир”).*

Аёл ландэйларида кўрқоқлик паштун йигитлари учун шармандалик тимсоли ҳисобланади. Паштун характериға йигитнинг жанг майдонини ташлаб қочиши шармандали, номуссиз, мутлақо ёт нарса ҳисобланади. Кўплаб ландэйларда қиз ёрининг жангдан чекинмасликка чақиради, акс ҳолда тенгдош қизлар орасида уни уятга қўймаслик илтижосини қилади:

جانانه جنگ نه پرشانه شی  
چي د همزو لوراله نه شی پیغورونه

*(Азизим, чекинма жангда зинҳор,  
Мен қилмайин дугоналарим олдида ор).*

جانانه جنگ كي توره وكره  
چي د همزولو را د خندانه شم مينه

*(Қилич солиб жанг қил, азизим,  
Кулмасинлар устимдан дугоналарим сени севганим учун).*

جانان مي سر پر وطن كينبينو  
په تار د زلفو به كفن ورته گنيمه

*(Жонини тикди ёрим ватан учун,  
Зулфим торларидан тўқугум унга кафан).*

Ошиқ номидан айтилган қуйидаги гўзал мисралар ҳам афғон аёлининг қисматиға ишоралардан иборатдир.

*Ҳар икки кўзинг яқин қил манга,  
Йиғласа гар тўкарлар марваридлар.*

*Бўлай фидоси хумор кўзларинг,  
Йиғласа гар тўкарлар марваридлар.*

*Боқинг унинг кўзларига, эй олам аҳли,  
Йиғласа гар тўкарлар марваридлар.*

Ландэйларнинг биз зикр этган мавзулари ҳақидаги кузатишлар бу – улкан поэтик мерос уммонидан қатралардир. Бу шеърда ўз аксини топган афғон

аёлининг ҳис-туйғулари, олий кечинмалари, унинг аламини тасвирлаш муаммолари ва умуман бу топфа ландэйларда шакл ва мазмун мутаносиблиги, ритмика ва оҳангдорлик, композиция, поэтик исторалар масаласини бирма-бир изоҳлаш, халқнинг ўзига хос бўлган маънавий руҳий ҳолатини очиб бериш масаласи ҳали олдиндадир.